

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2024 йил август ойининг 1 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Мирзажонов,

ҳайъат судьялари: У.Имомова ва У.Солиевдан иборат таркибда, А.Нишановнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Муратов, судланган Р.Ж ва ҳимоячи К.Бакиров ҳамда жабрланувчилар А.А, Х.Жнинг иштирокида, Р.Жга оид жиноят ишини унинг тафтиш тартибидаги шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2024 йил 26 мартдаги ҳукмига кўра:

1998 йил 20 январда Булоқбоши туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз,

иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган Ш.Р.Жга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 2 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Р.Ждан жабрланувчи Н.Мга 11.698.300 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Жабрланувчи Н.Мга келгусида моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида асосли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилган.

Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2024 йил 5 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.Ж 2023 йил 19 июнь куни соат 20.30 ларда бошқарувидаги “Дамас” русумли 60 S 350 SA давлат белгили



автомашинасида Булоқбоши тумани, Чақар МФЙ, Шукрона кўчасидан ўтган Кулла-Булоқбоши транспорт йўлининг Булоқбоши йўналишида ҳаракатланиб кетаётиб, “Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари”нинг 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолати, йўл об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишида кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариш, тезлик ҳайдовчига қоида талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши, ҳайдовчи танлаган тезлиги йўлда хавф пайдо бўлганда, транспорт воситасини тўхтата оладиган даражада бўлиши, ҳайдовчи кўриниш масофасини ҳисобга олган ҳолда шундай тезлик танлаши керакки, тўхташ йўли кўриниш масофасидан ўтиб кетмаслиги, ҳаракатланиш пайтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасини тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчиларига хавф туғдирмайдиган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши ҳақидаги талабларни қўпол равишда бузиб, бошқарувини йўқотиб йўлнинг қарама-қарши Кулла йўналишига ўтиб кетиб, ушбу йўналишда ҳаракатланиб келаётган жабрланувчи Н.Мнинг бошқарувидаги “Спарк” русумли 60 D 091 WA давлат рақамли автомашина билан тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиши оқибатида жабрланувчилар вояга етмаган М.Ш, Р.Ш ва Р.Жга ҳаёт учун хавфли бўлган оғир, А.Ага ўртача оғир, жабрланувчи Х.Ж ва вояга етмаган Ё.Жга соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил, жабрланувчи вояга етмаган О.Шералиева ва Н.Мга олти кундан кўп давом этмайдиган тез ўтиб кетувчи енгил тан жароҳати, шу билан бирга “Спарк” русумли 60 D 091 WA давлат рақамли автомашинага жами 11.698.300 сўм моддий зарар етказилишига сабаб бўлган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганликда айбли деб топилган.

Судланган Р.Ж тафтиш тартибидаги шикоятда, суд қарорларидан норозилиги, қаршисидан ҳаракатланиб келаётган Н.Мнинг бошқарувидаги “Спарк” русумли 60 D 091 WA давлат рақамли автомашина йўлнинг чуқур жойидан қочмоқчи бўлиб уни йўналишига чиқиб кетиши натижасида йўл-транспорти ҳодисаси содир этилгани, тергов ҳаракатлари нотўғри ўтказилгани, дастлаб иш бўйича жабрланувчи деб топилгани, ушбу қарор кучида тургани ҳақида вазлар келтириб, адолатли қарор қабул қилишни сўраган.

Жиноят ишини тафтиш инстанцияси судида муҳокама қилиш чоғида судланган Р.Ж ҳимоячиси К.Бакиров билан биргаликда тафтиш тартибидаги шикояти мазмунини ўзгартириб, жабрланувчи Н.Мга етказилган зарарни қоплашини маълум қилиб, тирикчилик манбаи ҳайдовчилик бўлганлиги сабабли, жазодан озод қилишни сўради.

Жабрланувчилар Н.Матиев, Ё.Ж, А.А, Х.Ж ўз эътирозномасида, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.



Тафтиш инстанцияси суди иш бўйича вилоят суди судьяси У.Солиевнинг маърузасини, бўлим прокурори Ш.Муратовнинг жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли, ишни қонуний ҳал қилиш, судланган Р.Жа ва ҳимоячи К.Бакировнинг суд ҳукмини ўзгартириб, жазодан озод қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирган важларини жинойт иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгартиришни лозим топди.

Суд қарорларида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Р.Жнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жинойтни содир этганлиги, гарчанд айбига иқдорлик билдирмасдан кўрсатув берган бўлса-да, жабрланувчилар Н.М, Ё.Жумаева, А.А, Х.Ж ва гувоҳлар А.Пўлатов, Ж.Хабибуллаев, О.Ғофуров, Ш.Патидиновнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек ҳодиса жойини кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва тергов эксперименти ўтказиш баённомалари, схематик чизма ва фотосуратлар, суд-тиббий, суд-транспорт изшунослик экспертизаси хулосалари, видеоёзувлар ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Унга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, у томонидан содир этилган жинойтни эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинойтлар турига киришлигини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жинойтнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиш билан бирга, жабрланувчи Н.Мга етказилган моддий зарарни қопланмагани, уни даъвоси бўлгани ва қонуний чора кўришни сўраганини назарда тутиб, унга содир этган жинойти учун ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Бироқ, апелляция инстанцияси судида сўралган судланган Р.Ж ўз кўрсатувида, айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини билдириб, жабрланувчи Н.Мга етказилган ва суд ҳукми билан ундирилиши кўрсатилган 11.698.300 сўм зарарни суднинг депозит ҳисобига тўлиқ тўлаганини билдириб, тўлов қвитанциясини судга тақдим қилишини, қолган жабрланувчилар эса ўзининг яқин қариндошлари ҳисобланганлиги сабабли, биринчи инстанция судида ҳам унга даъво қилишмаганини, ҳозирда



тирикчилик манбаи ҳайдовчилик билан боғлиқлиги сабабли жазодан озод қилишни сўраганидан ташқари;

жабрланувчи А.А апелляция инстанцияси судида, судланган Р.Ж фарзанди бўлиши, ўғли Р.Ж томонидан содир этилган йўл-транспорти ҳодисаси натижасида ўзи, қизлари, келини ва набиралари турли даражада тан жароҳати олишгани, лекин тергов ва судда ҳам даъво қилишмагани, ҳозирда ҳам ўғли Р.Жга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги, ҳозирга келиб ўғли жабрланувчи Н.Мга ҳам етказилган моддий зарарни қоплагани, ўғлини тирикчилик манбаи ҳайдовчилик билан боғлиқликни инобатга олиб, жазодан озод қилишни сўраб, бу ҳақида ариза тақдим қилгани;

жабрланувчи Х.Ж апелляция инстанцияси судида, судланган Р.Жни турмуш ўртоғи бўлиши, турмуш ўртоғи Р.Ж томонидан содир этилган йўл-транспорти ҳодисаси натижасида ўзи, қайнонаси, қайинсинглиси ва фарзандлари турли даражада тан жароҳати олишгани, лекин тергов ва судда ҳам турмуш ўртоғига даъво қилишмагани, ҳозирда ҳам ҳеч қандай даъволари йўқлиги, ҳозирга келиб турмуш ўртоғи Н.Мга ҳам етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, турмуш ўртоғини тирикчилик манбаи ҳайдовчилик билан боғлиқликни инобатга олиб, жазодан озод қилишни сўраб, бу тўғрисидаги;

ҳимоячи К.Бакиров эса апелляция инстанцияси судига жабрланувчи Ё.Жумаеванинг судланган Р.Жга нисбатан даъвоси йўқлиги тўғрисидаги аризасини тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 2-бандида, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу ўринда, қайд этиш керакки судланган Р.Ж агар дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида жабрланувчи Н.Мга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраганида, жабрланувчи уни кечириб, бир-бирлари билан ярашиб олган бўлганида ҳам қолган жабрланувчиларнинг даъвоси бўлмаганлиги ҳисобга олиниб, мазкур жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган ишлар тоифасига тушиши ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши ҳам мумкин бўларди.



Апелляция инстанцияси судида аниқланган ҳолатларга кўра, судланган Р.Ж томонидан содир этилган жиноятни эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятлар турига киришлиги, унинг айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилали, қармоғида 2 нафар фарзанди борлиги, суд ҳукмида ундирилиши белгиланган жабрланувчи Н.Мга етказилган 11.698.300 сўм зарарни тўлиқ қоплаганлиги, қолган жабрланувчиларнинг даъвоси бўлмаганлиги, ҳозирда жиноят оқибатлари бартараф этилиб, шароит ўзгарган ва Р.Ж намунали хулқи ҳамда меҳнатга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топишга ва жазодан озод қилишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 521⁴-моддаси 1-қисмининг 6-бандига мувофиқ, тафтиш инстанцияси суди биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси суди судланган Р.Жга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, содир этган жиноятни ҳозирга келиб ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб эътироф этиб, унинг қилмишини жазога сазовор эмас деб ҳисоблаб, уни тайинланган асосий ва кўшимча жазолардан озод қилишни, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ бартараф қилинганлиги сабабли, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Андижон вилоят ҳудудий бўлимининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 11.698.300 сўм пуллар жабрланувчи Н.Мга қайтаришни ва ҳукмининг қарор қисмидан Р.Ждан жабрланувчи Н.Мга 11.698.300 сўм моддий зарарни ундириш қисмини чиқаришни, суд қарорларини қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521³-521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ш.Р.Жга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2024 йил 26 мартдаги ҳукми ҳамда Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 5 июндаги ажрими ўзгартирилсин.

Ш.Р.Ж Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Андижон вилоят ҳудудий бўлимининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 11.698.300 сўм пуллар жабрланувчи Н.Мга қайтарилсин ва ҳукмининг қарор қисмидан Р.Ждан жабрланувчи Н.Мга 11.698.300 сўм моддий зарар ундириш қисми чиқарилсин.

Ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, тафтиш тартибидаги шикоят қаноатлантирилсин.



Тафтиш инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Мирзажонов

Ҳайъат судьялари

У.Имомова

У.Солиев



Раислик қилувчи имзо
Ҳайъат судьялари имзолар

Ажрим кўчирмаси аслига тўғри,
вилоят суди судьяси

У.Солиев

Ҳужжат имзоланган: Солиев Умиджон Махмудович, 01.08.2024

